# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
# BOG'OT TUMANI HOKIMINING
# QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021-yil 30-Март 586и-son Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Авезов Оллаёр Атаназаровичнинг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани "Янги қадам" шаҳарчасида яшовчи фуқаро Авезов Оллаёр Атаназаровичнинг "Янги қадам" шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 18 мартдаги ШЯ-А-1168-сонли аризасини, "Янги қадам" шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 17 мартдаги 888-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"нинг 187-моддасига, "Уй-жой кодекси"нинг 22, 23-моддаларига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган "Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосланиб,

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани "Янги кадам" шаҳарчасида жойлашган 9 (тўққиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 140,53 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 100,94 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 241,47 квадрат метр, қурилиш ости майдони 493,87 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Авезов Оллаёр Атаназаровичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Авезов Оллаёр Атаназаровичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Авезов Оллаёр Атаназаровичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими** **Ш.Яхшибаев**